

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайни қабул қилди.



Икки мамлакат амалий ҳам-корлигини янада кенгайтириш ҳамда етакчи корхона ва компанияларнинг янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркия дўстлик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларида олий даражадаги мунтазам ва сермахсул мулоқот тўғрисида эришилган бугунги даражани юксак баҳолади.

Ўз навбатида, вице-прези-

дент Фуат Октай илқ қабул учун Ўзбекистон етакчисига миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Туркия компания ва инвесторларининг мамлакатимиздаги фаолиятига кўрсатилмаётган катта қўмак учун алоҳида миннатдорчилик билдирди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиш

суръати ва пандемия оқибатларини енгиб ўтиш борасида кўрилаётган чоралар алоҳида таъкидланди.

Хусусан, йил бошидан турли даражалардаги алмашинув ва мулоқотлар фаоллашди, ўзаро савдо ҳамми ва қўшма инвестиция лойиҳалари сони мутасил ортиб бормоқда. Бугун бўлиб ўтган қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг тадбирлари ва бизнес вакиллари иштирокидаги ишбилармонлик



дастури яқунлари мамнуният билан қайд этилди.

Тошкент шаҳрида ўтадиган Стратегик ҳамкорлик кенгаши иккинчи йиғилишининг кун тартибини ҳар томонлама тайёрлаш муҳим экани таъкидланди. Булар, энг аввало, товар айирбошлаш ҳамми ва кооперация қўламини ошириш, Преференциал савдо тўғрисидаги битимни қабул қилиш, қўшма саноат зонасини ташкил этиш, Туркиянинг илғор тажрибаси, билим ва техноло-

гияларини фаол жалб қилган ҳолда рақамлаштириш, таълим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги дастурларни илгари суриш масалаларидир. Минтақавий шериклик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 22 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сирини таъминлаш тўғрисида**»ги 530-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланмайди:

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк томонидан учинчи шахсларга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек банкка юридик, бухгалтерия, аудиторлик, ахборот ва маслаҳат йўсинидаги хизмат кўрсатувчи шахсларга маълум қилиниши ёки тақдим этилиши, башарти бу шундай хизматни кўрсатиш учун зарур бўлса ҳамда мазкур шахслар ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгиланган ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиши шарт бўлса;

прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартибда алмашиш»;

2) **8-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир»;

3) **9-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокурорнинг санкцияси билан қуйидагиларга тақдим этилади:

прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органларига уларнинг иш юритишдаги жиноят ишлари бўйича ҳолатларни аниқлаш, шунингдек етказилган зарарни ундиришни ёки мол-мулкни хатлашни таъминлаш мақсадида – терговчининг ёхуд суриштирувчининг асослангиларига қаролига кўра;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон: 30 йил олдинга сакраш

Американинг етакчи “Forbes” бизнес-журналида “Ўзбекистон: хусусийлаштириш бўйича 30 йил олдинга сакраш” сарлавҳаси остида мақола чоп этилди. У мамлакатимиздаги иқтисодий ўзгаришларга бағишланган.

ДУНЁНИГОҲИ

Муаллиф Кеннет Рапозанинг ёзишича, “Президент Шавкат Мирзиёев даврида бозор либерализми ва сиёсий очкилик аста-секин, лекин Ўзбекистоннинг шубҳасиз янги ҳақиқатига айланди”. Пандемия ислохотлар ургусини ўзгартиришга мажбур қилган бўлса-да, не ажабки, инкирознинг авж палласида мамлакат учун бир қатор ижобий жиҳатлар пайдо бўлди.

Муаллиф олти технология лойиҳага ўн миллион доллар инвестиция киритган Лондоннинг “Sturgeon Capital”

компаниясини мисол қилиб келтиради. Уларни амалга ошириш бошлаб юборилган бўлса, яна иккитаси ишлаб чиқиш босқичида “Ғоя шундан иборатки, Ўзбекистонда ўртача ёш тахминан 28 ёшни ташкил этади, мамлакат пойтахти Тошкентда эса етарлича ишбилармонлик муҳити мавжуд. Шундай пайтда илғор молиявий технологияларни қўлламаслик учун ҳеч қандай сабаб йўқ”, деб ёзади муаллиф.

Қайд этилишича, 2016 йилдан бошлаб Ўзбе-



кистон иқтисодиётидаги вазият кескин ўзгарган — солиқлар камайтирилди, янги валюта режими шаклланди. Бу жиҳатлар жадал ривожланаётган бозорларга мос тушарди.

“Ўзбекистоннинг замона-

вий иқтисодиёти тўғрисида шунини таъкидлаш жоизки, бугунги кунда рақамли ва АКТ инфратузилмаси иқтисодиётнинг атиги 2,2 фоизини ташкил қилади, — дейилади мақолада.



«ОРЗУИМИЗ УШАЛДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БИЗГА ҲАММА ШАРОИТИ БОР УЙ СОВҒА ҚИЛДИ»



Юртимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этади. Табиийки, ушбу қатламнинг орзу-умидлари, муаммоларига ечим топиш, қайси соҳада бўлмасин, фаолиятига қўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ёшларга эътибор, уларнинг келажагига ғамхўрлик, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораёттир. Сабаби ушбу йўналишда қилинаётган ишлар ҳаётийлиги ва самараси билан ўз сўзини айтмоқда. Ислохотлар режа жадвалига эртамик эгаларига доир муҳим масалалар ҳам киритилдики, бу уларнинг турмуш тарзига ўзгача мазмун олиб кираёттир. Сергели туманида истиқомат қилган Азиза Самимова ҳам айни кунларда бахтли онларни қарши олаётган ёшлар қаторидан жой олди. Боиси илгари муҳтож бўлиб, умидсизликка тушиб қолган, бошпанасиз қийналса-да, “ёшлар дафтари” орқали ўз бизнесини бошлаган, мақсадлари эзгу, шижоатли ушбу юртдошимиз энди замонавий уйда яшайди. Унга давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида барпо этилган замонавий қўп қаватли тураржойлардан 3 хонали уй совға қилди.



МИС САНОАТИ КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни мис ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда саноат кластерини ташкил этиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Охириги 5 йилда мамлакатимизда мис ишлаб чиқариш ҳамми қарийб 1,5 барабар ошиб, 2020 йилда 148 минг тоннага етган. Лекин ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш ишлари етарли эмас. Хусусан, миснинг қарийб 60 фоизи хом ашё сифатида экспорт қилинмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, электро-мобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда.

Мисдан келадиган даромад бугунги кунда 2,5 миллиард долларни ташкил этаёттир. Келгуси 5 йилда мис ишлаб чиқариш ҳамми 400 минг тоннагача етказиш орқали, бу кўрсаткични турдош тармоқлар билан бирга 7-8 миллиард долларга етказиш мумкин. Шу мақсадда, 24 июнь куни кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарорини қабул қилди. Қарорга мувофиқ, Мис саноати кластери ташкил этилиши белгиланди ва Бош вазир раҳбарлигида Махсус комиссия тузилди.

Йиғилишда ушбу стратегик вазифани амалга ошириш чоралари кўрсатиб ўтилди.

Аввало, рангли ва ноёб металллар учун геология-қидирув ишларини кенгайтириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Соҳада лойиҳа ва муҳандислик хизматларини ривожлантириш учун етакчи халқаро компанияларни жалб этган ҳолда, замонавий

лойиҳа институтини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда тоғ-кон ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ҳамда уларга сервисни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Комбинатларда автотранспорт, рақамлаштириш каби алоҳида фаолият турлари хусусий секторга кооперация ва аутсорсинг асосида берилди.

Ноёб металллар ва қотишмалар бирлашмасида металл қотишмалар тайёрлаш, “Узэлтехсаноат” корхоналарида маийий техника, компьютер, аккумулятор батареялар, электромобилларнинг бутловчи қисмлари каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Инновацион ривожланиш вазирлигига соҳа корхоналарининг фаолиятини илмий тадқиқот ва амалий инновация ишлари билан узвий боғлиқликда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилди. Кластернинг ҳар бир бўғини учун олий маълумотли муҳандис-технолог ҳамда ишчи мутахассисларни тайёрлаш, шу мақсадда етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Малакали мутахассисларни жамлаб, мис саноати кластерини ташкил этиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга уларнинг иш юритишдаги тезкор-қидирув ишлари бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида – тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантилган қарор асосида.

Прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз иш юритишдаги жиноят ишлари ва тезкор-қидирув ишлари бўйича банкларда ҳисоббараклар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлар базасидан автоматлаштирилган режимда олиши мумкин»;

4) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «прокуратура, тергов ва суриштирув органларига» деган сўзлар «прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–344-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда;

2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 12, 689-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **14-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**маълумотлар тўплаш** – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни, шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тадбир»;

2) **16-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни

олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно»;

3) **21-модданинг биринчи қисми** «абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот» деган сўзлардан кейин «ҳамда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 июнь
№ ЎРҚ—697

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

28 июнь куни
Пойтахтимиздаги
«Hilton» меҳмонхонасида
Ўзбекистон – Туркия
бизнес форуми
бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазيري С. Умурзоқов, Туркия Республикаси Вице-президенти Ф. Октай, ташқи иқтисодий алоқалар кенгаши раиси Н. Олпак ҳамда бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари, шунингдек, 30 га яқин ўзбек ҳамда 60 дан зиёд турк ишбилармонлари иштирок этди.

Форумда сўзга чиққан Ўзбекистон Бош вазيري ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазيري Сардор Умурзоқов икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболли қираларига алоҳида тўхталди. У Ўзбекистон ҳамда Туркия президентларининг дўстона муносабатлари ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида турли соҳадаги ҳамкорлигининг янги саҳифаси очилганини алоҳида таъкидлади.

Форумда модераторлик қилган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икрамов Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Туркиянинг Ташқи иқтисодий алоқалар кенгаши, Савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи, Мустақил саноатчилар ва ишбилармонлар уюшмаси каби ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик олиб бораётганига алоҳида урғу берди.

Туркия Республикаси дунёдаги улкан сиёсий, иқтисодий ва маданий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларнинг бири ҳисобланади. У Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ишончли дўсти ҳамда шериги ҳамдир.

Охириги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик муносабатлар изчил ўсиб бормоқда. Бунга шубҳа йўқки, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстона муносабатлар алоҳида жўшқинлик баъишмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон билан Туркия иқтисодиёти бери-бирга рақобатчи эмас, балки ўзаро тўлдирувчи хусусиятларга эга экани алоҳида таъкидланди.

Сўнгги тўрт йил давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо кўрсаткичлари икки баробар ошди. Пандемияга қарамадсан ўтган беш ойда ушбу кўрсаткич 85 фоизга ўсди. Ҳамкорликларимиз шу суръатда давом этса, тез фурсатда икки давлат ўртасидаги савдо иқтисодий ҳамкорликлари Президентларимиз белгилаб берганидек 5 миллиард доллардан ошадди.

Бунинг яққол натижаси сифатида юртимизда турк капитални иштирокида 1 576 та корхона, шундан, 694 таси қўшма, 882 таси эса 100 фоиз турк капитални иштирокидаги корхона фаолият олиб бораётганини келтирсак бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Турк капитали иштирокидаги 198 та янги корхона 2021 йилнинг ўзида ташкил этилган. Бу билан Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида очилган корхоналар сонини бўйича бу йил Туркия биринчи ўринни эгаллади.

Бизнес форуми давомида ҳамкорлик йўналишларида қилинаётган ишлар, Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар туркиялик бизнес вакилларига тақдим этилди. Тадбирда икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, маданий-гуманитар ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини, қолаверса, икки мамлакатнинг тадбиркорларига янада кенг имконият яратган ҳолда улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир сўнгига Туркия хусусий сектор вакиллари Ўзбекистонда ҳамда Ўзбекистон бизнес вакиллари Туркияда ўз капитали иштирокидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ҳиссаларини қўшиш истиагини билдирди.

Сайдмурод РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири.

«ОРЗУИМИЗ УШАЛДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БИЗГА ҲАММА ШАРОИТИ БОР УЙ СОВҒА ҚИЛДИ»



Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда тегишли ташкилотлар мутасаддилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов давлатимиз раҳбарининг Азиза Самиговага йўлаган мактубини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг, А. Самиговага янги хонадон қалити тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги сабабли замонавий, шинам уй-жой эгасига айланган Азизанинг хонадонидида бир оила учун нимаики керак бўлса, барчаси муҳайё. Хоналар замон талаблари асосида жиҳозланган.

— Бу уй мен учун ҳам, онажоним учун ҳам қутилмаган совға бўлди, — дейди Азиза Самигова. — Очиги, шу кунга қадар бошимиздан жуда кўп қийинчиликлар ўтди. Бувимнинг уйда яшардик, ётадиган жойимиз ҳам, ишлайдиган жойимиз ҳам битта эди. Ўз уйимиз ва тикувчилик фаолиятимиз учун алоҳида цехимиз бўлишини худаям орзу қилардик. Бугун орзуимиз ушалди. Президентимиз

бизга ҳамма шароити бор уй совға қилди. Бунинг учун нияятда миннатдорман. Энди мақсадларимиз сари дадил қадам ташласак ҳам бўлаверадди. Чунки кўнглимиз тўқ, энг катта муаммоимиз ҳал этилди, уйи бўлди. Айтишадик-ку, уйи борнинг уйи йўқ, деб.

Бугунги кунда янги хонадон эгалари 66 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фаолиятини йўлга қўйган чехда қушхоналарда ишлайдиганлар учун махсус кийим-кечаклар, тиббиёт халатлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Азиза келгусида цех фаолиятини янада кенгайтириб, шу орқали «ёшлар дафтари», «аёллар дафтари»га киритилган ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, ўзига ўхшаган қизларга тикиш сир-асрорларини ўргатишни мақсад қилган.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ёш авлод вакилларини узоқ йил-

лар қийнаб келган муаммоларни, орзу-истакларини рўёбга чиқариш, интилиш ва қизқишларини қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашув ҳамда иш услублари татбиқ этилмоқда. Президентимиз ёшлар бандлигини аниқлаш имконини бермоқда. Жумладан, Азиза ҳам, Адолат ая ҳам тегишлилиги бўйича махсус дафтарларга киритилган. Шу боис уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

— Бугунги кунда Сергели туманида 1 минг 350 дан зиёд йигит-қизлар «ёшлар дафтари»га кири-

га эга бўлди. Сўнгра тижорат банкидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига қўмаклашилди. Айни пайтда туманимизда Азиза сингари 200 нафардан зиёд ёшлар касб-хунарга ўқитилган бўлса, улардан 92 нафарига кредит маблағлари ажратилган. Бу эса уларнинг ҳаётида янги саҳифа очмоқда.

Ёшлар бандлиги масаласи бугун ҳам кун тартибидида турибди. Мана шундай пайтда Азиза каби ёшлар юзига чиқиб, иқтисодини намоён этиб, нафақат ўзи, балки ёшларни ҳам иш билан таъминламоқда. Давлатимиз раҳбари ана шундай ғайрат-шижоатли, Ватан равнақиға хисса қўшаман, деган фуқаролар, хусусан, ёшларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларга зарур шароитларни яратиб бермоқда.

Янги хонадон қалитини топшириш маросимида Ўзбекистон Рес-



публикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувоҳитов иштирок этди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон: 30 йил олдинга сакраш

— Интернет инфратузилмасига узлуксиз инвестиция киритилиши, оптик толали алоқа линияларининг кенгайиши ва интернетдан фойдаланиш имконияти янада ошishi натижасида 2030 йилга келиб ушбу кўрсаткич ўн фоизга етиши қутлимоқда. Шунга яраша аҳолини интернет билан қамраб олиш 55 фоизни ташкил этади. Зеро, бозор салоҳияти жуда катта ва айнаш шу нараса юқори технологик сармоядорларни жалб қилади».

Таъкидланишича, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатни дунёга очди ва давлат ҳукмронлиқ қиладиган иқтисодиётдан воз кечшини истиёди. Шу нуктаи назардан, 2020 йилдаги тегишли Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон 2 минг 500 та давлат компаниясидан тахминан 620 тасини тўлиқ ёки қisman сотишни режалаштиргани қайд этиб ўтилган.

«Бугунги кунда давлат корхоналари Ўзбекистон иқтисодиётининг 55 фоизини бошқаради, АҚШда бу 11 фоизга тенг», дея икки мамлакатни таққослайди муаллиф.

Кеннет Рапоза босқичма-босқич хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат ком-

паниялари рўйхатини келтирар экан, газ қазиб чиқариш билан шугулланувчи «Ўзбекнефтегаз», олтин қазиб олишга ихтисослашган Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон хаво йўллари» ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларини бу борада мисол қилиб келтиради.

Мақолада Ўзбекистон учун стратегик тармоқ ҳисобланган пахтачилик саноатидаги ислохотларга ҳам тўхталиб ўтилган.

«Мажбурий меҳнатга барҳам бериш, ишлаб чиқариш бўйича давлат квоталарини бекор қилиш ва мулкни хусусий тадбиркорларга бериш — бу соҳанинг янги ўзига хос хусусиятлари бўлиб, булардан тўғри фойдаланишса, Осиёдаги тўқимачилик таъминот «занжири»нинг муҳим қисмига айланиш мумкин», деб ёзади муаллиф.

Шунингдек, аллақачон давлат тасарруфидан чиқарилган компаниялар рўйхатиға ҳам эътибор қаратилган. «Ўзсаноатқурилиш-банк», «Asia Alliance Bank», «Jizzax Plastics», «Quartz», «Алоқабанк» ва «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси» шулар жумласидандир.

Муаллиф Ўзбекистон Президенти миллий иқтисодиётни ислох этишда доимий юксалиш платформасида иш олиб боришни мақсад қилганини таъкидлайди. Бу XXI асрда Осиёнинг рақобатдош ва ривожланиб бораётган бозори суръатларига ҳам уйғундир.

Мақолада АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Даниэль Розенблом Президент Мирзиёев ўз ўтмишдошлари мақсадларини ўзгартираётгани ва ҳукумат учун эмас, балки фуқаролар учун мавжуд бўлган постсовет давлатини қуришга ҳаракат қилаётгани ҳақида айтган сўзларидан иқтибос келтирилди.

«Янги сиёсий йўналиш вазиятни яхши томонга ўзгартаришни бошлашга қодир стандарт учун асос яратмоқда», деган эди Розенблом ўтган йили «Америка Овози»га берган интервьюсида.

«Ўзбекистондаги ислохотлар бу қисқа масофага югуриш эмас, балки марафондир», деб хулоса қилади муаллиф.

«Дунё» АА материали асосида тайёрланди.

Қуйи палата фракцияларида



ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг йиғилишида дастлаб юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги туб ислохотлар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, унда Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда матбуот, оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнати ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлгани, мамлакат янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиклик ҳамда ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаёт мезонига айланаётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучайиб бораётгани таъкидланди. Кейинги пайтда мамлакат оммавий ахборот воситалари ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар таҳлили соғлом танқидий руҳ қамрови кенгаётганини кўрсатади.

— Бугунги оммавий ахборот воситалари бундан 4-5 йил олдинги даврдан тубдан фарқ қилади. Шаффофлик, очиклик таъминлиги асосланган сўз эркинлиги, ошқоралик журналистларимизнинг қаламини кун сайин чархламоқда, — деди ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари А. Ҳайтов. — Таъбир жоиз бўлса, бугун ОАВда меҳнат қилаётган иқидий ходимлар давлат билан халқ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини талаб даражасида бажариб келмоқда. Айниқса, уларнинг муаммоларига ечим топилишига қўмаклашаётгани, жамоатчилик назорати таъминлашишга катта хисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фарзандли бўлиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади. Таҳлиллар республикада фарзандликка олиш истиғини билдирган шахслар 4 мингдан зиёд эканлигини кўрсатмоқда. Амалдаги қонунчиликка кўра, қасд-

дан содир этган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахсларнинг вояга етмагани фарзандликка олишга йўл қўйилмайди.

Мазкур норма ижтимоий аҳамияти катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ҳамда фарзандликка олишга тўқсинлик қилмайдиган жиноят турлари учун ҳам татбиқ қилинади. Бунда фарзанд асраб олиш учун 2018-2019 йилларда 1,9 мингтадан, 2020 йилда эса 1,5 минг нафар фуқаро васийлик ва ҳомийлик органларида навбатда турган.

Шунингдек, доимий даромадга эга бўлмаган ёки соғлиги ҳолатига кўра ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажара олмайдиган шахсларнинг фарзандликка олиш ҳуқуқларини чеклаш қонунда аниқ белгиланмаган. Қўбатда фуқаролар томонидан ноқонуний йўлар билан фарзанд асраб олиш, жумладан, бола савдоси каби ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда муҳокама қилинган «Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида эса бу борада юзга келаётган муаммолар ечими ўз ифодасини топган.

Халқ вакиллари қонун лойиҳасини маъқуллашди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бугунги кунда ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда янгича ёндашувлар, халқро тажрибаларни инобатга олган ҳолда нодавлат ижтимоий ҳимоя сиёсати, яъни ижтимоий тадбиркорлиқни жорий этиш ва ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, соҳанинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида кун тартибидидаги бошқа масалалар қаторида мазкур қонун лойиҳаси ҳам депутатлар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида ижтимоий тадбиркорлиқнинг асосий принциплари, фаолиятининг муҳим йўналишлари, ижтимоий

тадбиркорлик соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари каби тушунчалар ўрин олган. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, нафақат ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг яшаш шароитлари яхшиланишига, балки уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини қўпайтириш учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқуланди.

ЗАЙТУН ПЛАНТАЦИЯЛАРИ БАРПО ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ва иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқди.

Тадбирда қайд этилганидек, бугунги кунда зайтун меваси ва мейига жаҳон бозорларида талаб юқори бўлиб, асосан, аҳоли истеъмолли ҳамда доривор мақсадларда фойдаланилади. Маълумотларга кўра, 1 гектар зайтун плантациясидан 15—17 минг доллар, уни қайта ишлаш орқали 45—50 минг доллар микдорига даромад олиш мумкин. Ўзбекистон шароитида зайтун етиштириш ва уни қайта ишлаш агротехнологияси бўйича аниқ илмий асосланган талаб ҳамда тавсиялар мавжуд эмас.

Соҳани ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган «Зайтун мейи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 ок-

тябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини фракция аъзолари кўриб чиқди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ юртимизда соҳада ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда зайтун плантациялари ташкил этилади, қайта ишлаш корхоналари ишга туширилади ҳамда экспорт ҳажмлари оширилади. Шунингдек, соҳада селекция ва агротехник усуллари қўллаш бўйича ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Йиғилишда кун тартибидидаги барча масала кўриб чиқилиб, қонун лойиҳалари юзасидан Экология партияси фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОБЛАНАДИ

Очиқлик ва ошкоралик юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири саналади. Давлат органларининг халқ билан мулоқоти, авваллари соя остида бўлган давлат харидлари, кириш имтиҳонлари, ер ажратиш, хусусийлаштириш сингари жараёнлар ҳам онлайн, шаффоф шаклга келтирилди. Ўз-ўзидан ушбу тизимлардаги коррупциявий ҳолатлар ёки раҳбарларнинг нотўғри қарорлари халқ кўз ўнгиде намоён бўла бошлади. Натижада давлат органлари иш фаолиятини қайта қўриб чиқишга, ҳалол ишлаш йўлига ўтишга мажбур бўлмоқда. Бу жараёнда жамоатчилик назоратининг ўрни нақадар муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Муносабат

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони шу йўлда ташланган навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишдан қўзланган энг асосий мақсад давлат органлари ҳамда ташкилотлари фаолияти очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини қучатириш, бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда коррупцияга барҳам беришдан иборатдир.

Фармон билан барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ҳамда прокуратура органлари ва уларнинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлимлари, шунингдек, устав фондида давлат улushi 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхона-

лари томонидан очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Фармон билан очик жойлаштириладиган маълумотлар рўйхати, очиклик ва шаффофликни янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” иловалари ҳам тасдиқланди.

Яқинда Сенатда Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклигини таъминлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Ҳўжжатда очик ахборот тури, жойлаштириладиган ресурси (очик маълумотлар портали ёки расмий веб-сайтлар), тақдим этиш ва аниглаш мўддати (доимий равишда ёки ҳар чоракда) ҳамда уларни жойлаштириш учун маъсул давлат органлари ва ташкилотлари белгиланмоқда.

Маълумки, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳўжатларга асосан, ҳар бир вазирлик ва давлат идорасида унинг фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда зарурий ўринларда тийиб туриш, очиклигини таъминлаш учун жамоатчилик



кенгашларини ташкил этиш вази-фаси юклатилган.

Аммо маъсул идоралар таҳлил-ларига кўра, бугунги кунда жамоатчилик кенгашлари фаолияти талаб даража-сида эмас, асосийси, уларнинг бу каби сокинлигидан идоранинг ўзи ҳам манфаатдор. Яна шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, жамоатчилик кенгашлари-нинг аксариятида ўша идора раҳбари бошчилик қилмоқда. Бу ҳолатда қан-дай қилиб ҳолислик, фуқаролик жами-яти назорат институтларидан самара-ли фойдланиш мўмкин?..

Шу пайтгача ҳам давлат ҳокимия-ти бошқарув органларининг очиклиги тўғрисидаги норматив ҳўжатлар мав-жуд бўлган, аммо улардаги меъё-рлари ҳаётга таъбиқ этишга маъсул ёки уни бажариш талаби бўзилганда жавобгарлик масалалари очик қола-верган. Бу эса ҳўжжатиинг ҳаётга тўлиқ жорий этилишига тўсиқ бўлиб келган.

Шундан келиб чиқиб, мазкур йўна-лишдаги қарорларнинг ижроси усти-дан назорат Коррупцияга қарши ку-рашмиш агентлигига юклатилди ҳамда агентликка бир қатор вазифа ва ваколатлар берилди.

Колаверса, шу йил 1 декабрдан бошлаб Олий Маҳлис Қонунчилик па-латаси ва Сенати мажлислари, Қора-қалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, ту-ман ҳамда шаҳар Кенгашлари сес-сиялари телеканаллар, шунингдек, интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри узатилади. Албатта, бу борада Олий Маҳлис Сенати ўзига хос таж-рибага эга. Қарийб икки йилдан буён юқори палатаниннг барча йиғилиши тўғридан-тўғри эфир орқали намо-йиш этилмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур жараён халқимиз томонидан ижобий кутиб олинди ва жамиятда Сенат ҳамда сенаторларга нисбатан муно-сабат тўддан ўзгаришига сабаб бўлди.

Бу ижобий амалиёт маҳаллий Кен-гашлар йиғилишларига ҳам жорий этилгач, жойларда депутатлик ва жа-моатчилик назоратини амалга оши-риш янги босқичга кўтарилди. Шу-нингдек, Фармонда таъкидланган ма-салалар Ўзбекистоннинг имижига ижобий таъсир кўрсатиб, нуфузли рей-тинг ҳамда индексларда мамлақати-миз ўрни янада яхшиланади.

Умуман, мазкур Фармоннинг ҳаёт-га таъбиқ этилиши натижасида давлат бошқарувини амалга оширишда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилади, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари би-лан самарали ҳамкорлиги таъминла-нади. Бу эса “яширин иқтисодиёт” ва коррупция иллати қамайишида муҳим омил бўлади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Маҳлис Сентининг
Суд-ҳуқуқ масалалари
ва коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси.



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ФАОЛЛИК ВА ИЖОДИЙ МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг фаол журналисти” танлови голиб ва совриндорлари тақдирланди.

Танлов

Тантанали тадбирда мамлақатимиз медиа тузилма-лари вакиллари, фахрий жур-налистлар, талаба-ёшлар қатнашди.

Сўз олганлар миллий ме-диа соҳасини янада ривож-лантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътибо-рида эканини таъкидлади. “Йилнинг энг фаол жур-

налисти” республика танло-вининг мунтазам ўткази-лаётгани ҳам ижодкорлар фаоллигини рағбатланти-риш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Танлов жараёнида ишти-рокиларнинг ўтган йилнинг 1 июнидан жорий йилнинг 1 июнигача бўлган даврда

матбуот, интернет нашрла-ри, радио, телевидениеда чиққан, узатилган матери-аллари ҳакамлар ҳайъати томонидан қўриб чиқилди. Ижодий ишларни баҳолаш-да мавзуларнинг ижтимоий аҳамияти, долзарблиги, ифода маҳорати каби жи-ҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўттизга яқин журналист-лар мазкур танловда голиб деб топилди. Уларга диплом ва эсдалик совғалар топши-рилди.

Янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга байрам кай-фиятини бахш этди.

«Халқ сўзи».

Фикр

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ СОҲАЛАРИДАГИ НАТИЖАДОРЛИК БУГУНГИ КУН ТАЛАБИГА МОСМИ?

Мамлақатимизда олиб борилаётган фаол инвестициявий сиёсат иқтисодиётимизни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, 2017 йилдан бошлаб барча манбалар ҳисобидан 716 триллион сўм (83 миллиард доллар) ёки олдинги даврдагига нисбатан 2 баравардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилгани маълум бўлмоқда. Шундан қарийб 27 миллиард долларини хориждан жалб қилинган маблағлар ташкил этади.



Яқинда Президентимиз раислигида инвести-ция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижа-дорлиги, йил якунига амалга оширилиши ло-зим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида шу ху-сузда фикр юритилди. Шунинг алоҳида қайд этиш ўринлики, ўзлаштирилган инвестицияларнинг деярли 65 фоизи саноат ҳамда инфратузилма лойиҳаларига тўғри келмоқда. Бу эса сўнгги 4 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти тарки-бида саноатнинг улushi 25 фоиздан 33 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3 бараварга ўсганини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда бир муҳим масалага эътибор қаратди. Яъни ажратилаёт-ган маблағдан унумли фойдаланган ҳолда иш ўрни яратиш қий даражада?

Бу ҳақда фикр юритганда, ажратилган ҳар бир миллиард сўм эвазига Наманганда 12 та, Андижонда 11 та, Навоий ва Сирдарёда 8-9 тадан янги иш ўрни яратилган. Бу кўрсат-кич Бухоро, Самарқанд ҳамда Хоразмда 6-7 та, Қашқадарё ва Фарғонада 5 тага тўғри келяпти. Қорақалпоғистон, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида эса атиги 3-4 тани ташкил этаётгани ачинарлидир. Ёки Тошкент вилоятига сўнгги 4 йилда йўналтирил-ган 950 миллион доллар хорижий инвестиция ва банк кредитлари ҳисобига атиги 40 мингта янги иш ўрни очилган. Яъни бир иш ўрни 24 минг долларга тушгати. Наманган вилояти-да эса икки баравар кам маблағ сарфланиб, 52 мингта иш ўрни очилган.

Бу таҳлиллардан қўрииб турибдики, биз аж-ратилаётган инвестиция эвазига натижадорлигини таъминласакки, иқтисодий барқарорлик яратилади, ҳудудларда янги иш ўринлари очиш учун қўшимча имкониятлар юзага келади. Буни нафақат соҳа вакиллари, балки сенатору депу-татлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам яхши билиши ҳамда бу жараёни ривожлантиришга ўзларининг ҳиссасини қўишиш лозим.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси
депутати.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НАМУНАВИЙ МУАССАСАГА АЙЛАНАДИ

Президентимизнинг қарори билан ташкил этилган янги олий таълим муассасаси — “Янги Ўзбекистон” университети мамлақатимизда олий таълимни ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги даврни бошлаб беради. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муваффақияти, биринчи навбатда, тармоқларнинг замонавий, билимли, салоҳиятли кадрлар билан таъминланишига боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, айтиш мўмкинки, олий таълим тизими ислохотларидаги ушбу ташаббус иқтисодиётимизнинг келажакда изчил ва барқарор ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, юрти-мизда кўплаб янги давлат олий таълим муассасалари, хорижий университетларнинг филиаллари ва хусусий олий-гоҳлар ташкил этилаётган бўлса-да, олий таълим қамро-вини ошириш билан бир қаторда, бозор талабларига тўла жавоб берадиган мала-кали мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳамон ечилмаган ва-зифалар қаторида турибди. Кўплаб саноат корхоналарида, қишлоқ ҳўжалиги кластерлари-да, бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш ташкилотларида за-монавий технологияларга асосланган мураккаб ускуна-

ларни самарали ишлатиш учун етарли билим ҳамда амалий кўникмаларга эга ҳодимлар, ушбуни ичидан биладиган зук-ко иқтисодчилар ва тажрибали менежерларга талаб юқорили-гича қолмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекис-тонда бир қатор янги олий-гоҳлар, хорижий университет-ларнинг филиаллари ва ху-сусий университетлар ташкил этилиши иқтисодиётимизнинг тегишли тармоқларидаги ма-лакали мутахассисларга бўлган талабни қондиришга қаратилган бўлиб, бу ишлар айнан ўша тармоқлар доира-сида амалга оширилмоқда.

Аммо мамлақатимиз олий таълим тизимини ривожланти-ришнинг юқорида кўрсатилган стратегик мақсадларига етишишда, тизимдаги кенг қамровли ислохотларни изчил ҳамда самарали амалга оши-ришда халқро миқёсда тўла эътироф этилган энг илгор тажрибага асосланган ва иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларини ўз фаолияти-да тўла қамраб олувчи “таж-риба майдони” бўладиган олий таълим муассасасини аниқ-лаш ушбу соҳадаги марказий масала бўлиб қолаётганди.

“Янги Ўзбекистон” универ-ситетининг ташкил қилиниши-да айнан шу ҳолатдан келиб чиқиб, илм-фандаги ўрни бутун дунёда эътироф этилган ва жаҳон университетлари рей-тингда энг юқори ўринларни эгаллаб келаётган (Times Higher Education, THE рейтинг-ида топ-10ликда), фундамен-тал билимлар беришда энг бую тажрибани ўзида мужас-самлаган Кембриж ҳамда Стэнфорд университетлари, амалий тадқиқотларининг энг юксак савияси бутун дунёда тан олинган Массачусетс тех-нология институти ва Мюнхен

техника университети танлаб олинди. Ушбу хорижий ҳамкор-лар билан тузилган битимлар асосида янги университетнинг ўқув режалари ҳамда дастур-лари биргаликда ишлаб чиқи-лади, таълим сифатини назо-рат қилиш ва ўқишга қабул жараёнини олиб борми ҳамкор-ликда амалга оширилади. “Янги Ўзбекистон” универси-тети фаолиятини ташкил этиш-да, шунингдек, ёш, лекин қисқа вақтда халқро миқёсда танил-таълим муассасасини аниқ-лаш ушбу соҳадаги марказий масала бўлиб қолаётганди.

“Янги Ўзбекистон” универ-ситетининг ташкил қилиниши-да айнан шу ҳолатдан келиб чиқиб, илм-фандаги ўрни бутун дунёда эътироф этилган ва жаҳон университетлари рей-тингда энг юқори ўринларни эгаллаб келаётган (Times Higher Education, THE рейтинг-ида топ-10ликда), фундамен-тал билимлар беришда энг бую тажрибани ўзида мужас-самлаган Кембриж ҳамда Стэнфорд университетлари, амалий тадқиқотларининг энг юксак савияси бутун дунёда тан олинган Массачусетс тех-нология институти ва Мюнхен

мақсадида биринчи босқичдан бошлаб ҳар бир талабага ил-мий тадқиқотларда қатнашиш ҳамда илмий мақолалар ёзишга қўмаклашиш учун уни-верситетнинг профессор-ўқитувчиларидан бири раҳбар-лик қилади, шунингдек, тегиш-ли соҳанинг ҳамкор ташкило-ти бириктириб қўйилади. Бу, ўз навбатида, талабаниннг фун-даментал билимларни ўз-лаштириши билан бирга, амал-да ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўрганиши, назарий би-лим билан боғлиқ равишда амалий кўникмалари шаклла-нишига имкон беради. Кўплаб илгор университетларда қабул қилинган бундай тажриба “Янги Ўзбекистон” универси-тети тайёрлаган мутахассис-ларга қўшимча ўрганишсиз ёки малака ошириш курслари-га жалб қилинмасдан, бевосита ишлаб чиқариш корхоналари-да ўз фаолиятини мустақил бошлаш имконини беради. Университетнинг юқори бос-қич талабалари учун, шунинг-дек, хорижий саноат корхона-ларида ҳам амалиёт ўтказиш имконияти ўрганиб чиқилгипти. Бу эса университет кадрлари-да юксак хорижий стандарт-



лар асосида амалий кўникма-лар шаклланиши ва хорижий ишлаб чиқариш корхоналари-да ҳам ишлаш имконини бе-ради. Натижада иқтисодиёти-мизнинг турли тармоқларида халқро талабларга тўла жа-воб берадиган барқарор ҳамда самарали ишлаб чиқа-риш йўлга қўйилади.

Ишонч билан айтиш мўм-кинки, “Янги Ўзбекистон” уни-верситети мамлақатимиз ри-вожланишининг ҳозирги даври-да иқтисодий-ижтимоий исло-хотларнинг муҳим қатнашчиси бўлиб, олий таълим тизимини бутунлай янги асосда бунёд этишга, чўқур билим ҳамда юксак интеллектуал салоҳият-га эга, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга ўзининг муносиби ҳиссасини қўшади ва қисқа вақтда дунёнинг энг нуфузли университетлари қаторидан ўрин эгаллайди.

Эркин ЗОҲИДОВ,
Олий Маҳлис Қонунчилик
палатаси Фан, таълим,
маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси.

ИЛМУ МАЪРИФАТ БАЙРОҚДОРИ БЎЛАДИ

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган интилишлар замирида обод ва фаровон ҳаёт, эркин, адолатли жамият қуриш, давлатимизнинг демократик тамойиллар асосида тараққий этиши, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишидек улуғвор режалар мужассам. Табиийки, бу мақсадларни, аввало, илм-фан, таълим соҳасидаги инқилобий ўзгаришларсиз амалга ошириш мўмкин эмас. Шу боис кейинги тўрт йилда фуқароларнинг таълим олиши, замонавий касб-ҳўнарларни эгаллаши, адолатли шароитларда меҳнат қилиши учун катта имкониятлар яратилди.

Хусусан, 11 йиллик таълим тизи-мига қайтилди, республика олий ўқув юртлари сони қарийб икки баробар оширилди. Янги институт ва универ-ситетлар, нуфузли хорижий универ-ситетларнинг филиаллари очилди, олий таълимнинг кенчи ва сиртки бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, мактаб битирувчи-ларининг олий таълим муассасаларига қамрови 2016 йилдаги 9 фоиздан бу-гунги кунга келиб 28 фоизга етди. Соҳадаги энг муҳим янгиликлардан бири сифатида Президент ва ижод мактаблари иш бошлади. Бир сўз билан айтганда, учинчи Ренессанс пой-девор яратилмоқда. Галдаги вазифа эса юксак интеллектуал салоҳиятга эга, жаҳон меҳнат бозори, илм-фан ҳамда технологиялар оламида рақо-батдош, замонавий билим ва кўник-

маларни чуқур ўзлаштирган, муста-қил фикрлайдиган, ватанпарвар кадрлар тайёрлашининг янги тизими-ни ҳаётга жорий этишдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, шўбҳасиз, ана шундай мақсадларни ўзида ифода қилади.

Тошкент шаҳрида “Янги Ўзбекис-тон” олий ўқув даргоҳи очилаётгани эътирофга молик. Қўвонарлиси, уни-верситетда таълим жараёнларини халқро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича дунёдаги етакчи олий ўқув юртлари — Америка Қўшма Штатларининг Массачусетс техноло-гия институти, Стенфорд университети, Буюк Британиянинг Кембриж уни-верситети, Германиянинг Мюнхен тех-ника университети ва бошқа нуфузли



хорижий таълим муассасалари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Орзуимиз миллий олий таълим масканларининг дунёдаги энг кучли ўқув даргоҳлари сафидан ўрин оли-шига эришишдир. Шу маънода, “Янги Ўзбекистон” университети жамоаси зиммасига 2030 йилда жаҳоннинг 1000 та энг яхши университети рейтингига қиришдек катта вазифа юклатилган. Бундан ташқари, универ-ситетни ташкиллаган юртимиз фуқа-ролари 5 йиллик иш тажрибасидан сўнғ раҳбарлик лавозимига тайинла-надиган истиқболли номзодлар рўйха-тига киритилганди. Жараёнларнинг бар-часи очик ва шаффоф тарзда амалга оширилади. Бунинг учун олий ўқув

юртига жуда катта эркинлик берила-пти. Масалан, университет ўқиш мўд-датлари ҳамда талабаларнинг ўқув машғулотларида иштирок этиш тар-тибини, таълим йўналишларини бел-гилаш, ўқув режалари ва дастурлари-ни тасдиқлаш, мутахассисларга иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар мақдори-ни, тест синовлари фанлари мажмуа-сини ва ўқиш учун тўлов мақдори-ни мустақил равишда белгилайди.

Очигини айтганда, қарор бўйича жорий этилаётган янгиликларни ўқи-б, катта ёшдаги юртдошларимизнинг ҳам абитуриент бўлиб қолгиси кели-ши табиий. Сабаби, бугунги кун ёшлари учун танлов имкони бизнинг давримиздагидан ўн чандон юқори-рок. Энг муҳими, биз чет элда ўқишни орзу қилган бўлсак, бугун хорижий таълим масканларининг ўзи юртимиз-га келмоқда. Бу йилги абитуриентлар учун танлов имкони яна ҳам кенгай-ди. “Янги Ўзбекистон” университети-да қабул жараёни 2021/2022 ўқув йи-лидан бошланиши белгилаб қўйилди.

Университетда таълим давлат ва инглиз тилларида, кредит-модул ти-зини асосида олиб борилади. Ўқув жараёни давлат гранти ва тўлов-конт-ракт асосида амалга оширилади. Та-лабаларни қабул қилиш параметрла-ри Президент, иход ва ихтисос-лаштирилган мактабларни ривож-

лантириш агентлиги билан келиш-ган ҳолда университет томонидан ўрнатилади.

Таъкидланганидек, университетда ўқиш хорижининг илгор ютуқлари асо-сида ташкил этилади. Хусусан, тала-балар 1-босқичдан ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот марказларига би-риктирилади. Битирувчи курс талаба-лари учун етакчи хорижий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий компанияларда ўқишни давом эттириш, битирув олди амалиётини ўташ имконияти яратилади.

Гувоҳ бўлганингиздек, қарорда маз-кур университетнинг мамлақатимиз олий таълим тизимининг байроқдори сифатида минтақа ва дунё тажрибаси-нинг энг илгор ютуқларини ўзида му-жассам этадиган, барча олий ўқув дар-гоҳларига намунавий модель бўлиб хизмат қиладиган янги, замонавий таъ-лим масканига айланиши учун барча шароит яратилган. Энг муҳими, ёшла-римизнинг билим олиш борасидаги ин-тилишига дунёнинг манаман деган дав-латлари ҳавас қилса арзийди. Ишон-чимиз комилки, яқин вақт ичиде ушбу қарор ўзининг ёрқин натижаларини иж-тимоий ҳаётимизда намоён этади.

Дилобар МАВЛЯНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти,
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).



Хосен ПАЙДОНОВ оғил суратлар.

СЕКТОРЛАР АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУР ТИЗИМИ

Мамлакатимизда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил асосида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар барча ҳудудда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаётди. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан ҳудудларни секторларга бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим яратилгани халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга, муаммоларга ечим топишга хизмат қилмоқда.

Жойларда бажарилаётган ишларнинг ҳолатини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқотнинг самарали шакллари жорий этиш, ҳусусан, қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳудудий прокурорларнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Шунингдек, прокуратура органлари иккинчи сектор сифатида ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш, мухтасар айтганда, одамларни рози қилиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Ислохот

Ҳусусан, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари ҳамда давлатимиз раҳбарининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижроси доирасида иш олиб бораётган.

Бу борада бажарилаган юмушларни таҳлил қилиб, рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, туман (шаҳар) прокурорлари раҳбарлигидаги секторларда аҳолининг муаммоларини ҳал этиш борасида 8 минг 350 дан ортиқ эҳтиёжманд оилалар манзилли рўйхатга олинган. Ушунга қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўтган даврида 8,9 миллиард сўмлик ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, 447 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган бўлса, 670 миллион сўмлик нақд пул ёки пластик карталарига пул ўтказиш йўли билан моддий ёрдам кўрсатилган, 27,2 миллион сўм коммунал қарздорликлар тўлаб берилди. Хаста ёки мунтазам даволанаётган фуқароларга 35 миллион сўмлик дори-дармон воситалари тарқатилди. Ёрдамга муҳтож оилаларга 1,5 миллиард сўмлик бошқа ёрдамлар кўрсатилди, шунингдек, сектор раҳбарлари ташаббуси билан 561 миллион сўмлик чорва моллари етказиб берилди.

Секторларда пандемия таъсирида ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган эҳтиёжманд оилаларнинг меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш мақсадида фуқаро А. Бекбергеновнинг ҳунармандчиликка қизиқиш борлиги инобатга оlinиб, “қамиш плита” тўқиш кооперативи ташкил этилди.

Шунингдек, тикувчилик билан шуғулланиш истагини билдирган шумнааийлик Г. Бобожоновага икки хонали бино ажратилиб, тикув машиналари олиб берилди ва натижада, туғур нафар аёл ишли бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, албатта. Ушбу туманда паррандачилик йўналиши бўйича “Манзура шаруа” кооператив хўжалиги ташкил этилди. Субсидиялар ҳисобидан йигирма нафардан зиёд хотин-қизларга 1 минг 700 бош ўрдақ тарқатилди. Ижтимоий аҳолини яхшилаш ва қулик даромадга эга бўлиши учун шароитлар яратиб берилди.

Мавриди келганда айтиш жоизки, қора-қалпоқ халқи жуда меҳнатқас, ишдан қочмайди. Аксинча, имкон қадар яхши яшашга интилади. Бунинг учун уларга бир оз кўмак берилса бас.

Инсон қачон бахтли бўлади?

Инсон қачон бахтли бўлади? Қачонки, аввало, ўз уй-жойига эга бўлса. Мана шу ҳаётини тамойилдан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз.

Аниқ мисолларга тўхталадиган бўлсак, 396 нафар боқувчисини йўқотган, 440 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож ногиронлиги бўлган аёлларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Нотураржойда яшовчи ўғитига яқин нозик хилқат эгаларининг

тураржой билан боғлиқ масалалари ижобий ечим топди. Қарамовида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор элликка яқин аёлларга эса бу борада амалий ёрдам берилди.

Масалан, Қонлиқўл туманилик Г. Пирниязованинг ногиронлиги бор, “аёллар дафтари”га киритилган. Ўрганиш жараёнида унинг яшаш жойи ҳақиқатан ҳам таъмирталаб аҳволга келиб қолгани маълум бўлди. Сектор фаоллари билан маслаҳатлашиб, аёлнинг тураржойи таъмирлаб берилди.

Бўзатов тумани 2-сектор ҳудудидаги “Еркиндарё” овул фуқаролар йиғинида ижарада яшаётган ва “аёллар дафтари”га киритилган А. Туленязовага ҳам бу борада ёрдам зарур эди. Унинг ижара пуллари тўлаб берилиб, айни пайтда уй билан таъминлаш масаласи ҳам қўриб чиқилган.

Умуман олганда, мавжуд муаммоларни ҳал этишга бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, томоқадан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш моддий ва мурувват ёрдами қўрсатиш, уй-жойларни таъмирлаш ҳамда яхшилаш, манзилли тиббий, ҳуқуқий, психологик ёрдам қўрсатиш орқали эришилаётган.

Аёлларни турли зўравонликлардан асраш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларга, шу жумладан, зўравонликка учраганларга амалий ва ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш вазифаси бевосита прокуратура органлари олдида қўйилиб, аниқ вазифалар белгилан берилди.

Бу йўналишдаги чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг махсус фармойиши қабул қилинди. Унга асосан, прокуратура органлари хотин-қизлар тежкор ходимларидан тузилган ишчи гуруҳлар Нукус шаҳри ва туманларга чиқиб, 500 нафардан зиёд ҳуқуқий ёрдамга

“Секторларда пандемия таъсирида ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган эҳтиёжманд оилаларнинг меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш борасида кўрилган ташкилий чоралар натижасида ушбу оилаларнинг 9 минг 157 ёки 96 фоиз ишсиз аъзоси иш билан таъминланди.

тизим мана шундай занжирли механизм эканлиги ва муҳими, одамлар турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан гоятда аҳамиятлидир.

Ёки бўлмаса, Нукус тумани прокуратураси амалий ёрдами билан ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида фуқаро А. Бекбергеновнинг ҳунармандчиликка қизиқиш борлиги инобатга оlinиб, “қамиш плита” тўқиш кооперативи ташкил этилди.

Шунингдек, тикувчилик билан шуғулланиш истагини билдирган шумнааийлик Г. Бобожоновага икки хонали бино ажратилиб, тикув машиналари олиб берилди ва натижада, туғур нафар аёл ишли бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, албатта. Ушбу туманда паррандачилик йўналиши бўйича “Манзура шаруа” кооператив хўжалиги ташкил этилди. Субсидиялар ҳисобидан йигирма нафардан зиёд хотин-қизларга 1 минг 700 бош ўрдақ тарқатилди.

Ижтимоий аҳолини яхшилаш ва қулик даромадга эга бўлиши учун шароитлар яратиб берилди.

Мавриди келганда айтиш жоизки, қора-қалпоқ халқи жуда меҳнатқас, ишдан қочмайди. Аксинча, имкон қадар яхши яшашга интилади. Бунинг учун уларга бир оз кўмак берилса бас.

муҳтож хотин-қизлар билан суҳбатлар ўтказди.

Албатта, юзма-юз мулоқотлар кўп нарсани ойдинлаштиришда қўл келмади. Суҳбатлар давомида 234 нафар хотин-қизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Йигирмадан зиёд аёлларнинг муаммолари ҳал этилди. Яна юзлаб нозик хилқат вақилларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, у нафар тадбиркор аёлга ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Асосийси, юртимизда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар опа-сингилларимизнинг ҳаётдан, жамиятдан рози бўлишларига хизмат қилмоқда.

Ёшлар — эртამиз эгалари

Маълумки, Президентимиз Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ўшлари форумига ташриф буюриб, ушбу анжуманда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга қўйналаётган, ушоммаган, ишсиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларнинг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан устувор вазифаларни белгилан берганди.

Шу вазифалар асосида ёшлар билан яқиндан ишлаш мақсадида уларнинг ҳаётида учраётган муаммолари ўрганилиб, жойида ва зудлик билан ҳал этиш бўйича аниқ чоралар белгилан олindi. Айни чоғда, Қорақалпоғистон Республикаси туман ҳамда шаҳар прокурорлари раҳбарлигидаги секторларда ёшлар билан янгича ишлаш тизимини ишга тушириш мақсадида чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланиб, ижроси таъминланмоқда.

Белгиланган вазифалар асосида 2-секторда “ёшлар дафтари” платформасига киритилган 9 минг 369 йигит-қиздан 3 минг 725 нафарининг муаммолари ҳал



этилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳусусан, 630 нафардан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди, 333 нафарига банк кредитлари ажратилди. “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси ҳамда томоқадан унумли фойдаланишни ташкил қилиш орқали 2 минг 689 нафар ёшга ер майдонлари ажратилди.

Мисол учун, Тўрткўл туманида Р. Рустамовга имтиёзли равишда 36 миллион сўм кредит ажратилиши таъминланди. Айни пайтда ёш тадбиркор “пеноблок” маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

Ёшларни тадбиркорликка қизиқтириш ва жалб қилиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ва Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда шаҳар ҳамда туманларда семинар-тренинглр ўтказилди. Унда минглаб ёшлар иштирок этган бўлса, бугунги кунда уларнинг 602 нафарида 2,6 миллиард сўм кредит ажратилган.

Махсус сертификатни қўлга киритган ёш ишбилармон Б. Абдулқаймовга Чимбой туманида нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини йўлга қўйиш учун 225 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб берилди. Айни чоғда у уч нафар тенгдошини иш билан таъминлаш арасида.

Ушоммаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларга ижобий мотивация бериш, бизнес ҳамда тадбиркорлик соҳасида зарур билим ҳамда малакасини шакллантириш ҳам диққат-эътиборимизда. Айни шу мақсадда илгор хорижий тажрибалари ўрганган ҳолда 500 та қичик бизнес лойиҳаси гоғларига бағишланган икита тўлмас тайёрланди ва чоп этилиб, маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда секторлар штабларига тарқатилди.

Янги ташаббуслар ва лойиҳалар рўёбида муҳим кўприк

Анъанавий тарзда ҳудудларда ўтказиб келинаётган “Прокурор ва ёшлар” учрашувлари йигит-қизларни бир жойга жамлаш билан бирга, уларнинг қизиқиш ҳамда интилишларини аниқлаш, янги гоғ, ташаббус ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётди.

Ҳусусан, шу йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ҳудудларда ташкил этилган учрашувларда 500 дан зиёд ёшлар қамраб олинди.

Учрашувларда ёшларни қийнаб келаятган масалалар кун тартибига қўйилаётди. Уларда ёшлардан 70 га яқин мурожаат ва тақлифлар келиб тушган бўлса, 50 дан ортиги ижобий қаноатлантирилди. Улар орасида айни пайтда ҳал этилган муаммолардан ташқари, креатив лойиҳалар, тақлифлар ҳам ўрин олгани, айниқса, қувонғаридир.

Навқирон авлод вақилларида бизнес қўқимчаларини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Масалан, элиққатъалик У. Султонов тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли кредит сураб қилган мурожаати юзасидан унга 220 миллион сўм кредит ажратилди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли

ўтказиш бугунги кунда гоғат муҳим масалалардан. Зеро, барча кўнгилсизлик бекорчиликлдан келиб чиқши ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода прокурор секторлари ушбу масалага ҳам жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Биргина Нукус шаҳрида “Республика ёшлар овози” фестивали уюштирилиши натижасида учта йўналишда 6 — 15 ёш, 16 — 30 ёш тоифаларида жами 530 нафар йигит-қиз қамраб олинди. Улар салоҳиятларини эзгу мақсадларга йўналтириш, конструктив гоғлар атрофида бирлашиш бўйича ўз олдиларига улкан марраларни белгилан олди.

Ҳудди шундай, ёш авлод вақиллари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори қубоғи учун миллий кураш спорт тури бўйича мусобақа ҳам ташкиллаштирилди. Бу эса ҳақиқий маънода ёшлар байрамига айланди.

Умуман, ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган тизим уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиб, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, муаммоларини ўрганиш ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётди. Мақсадимиз ҳам шу — ёшлар турли ёғ гоғлар таъсирига тушиб қолшининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймастик, уларни янги марралар сари руҳлантириш, эзгу гоғлар атрофида бирлаштиришдан иборат.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари — ишончли ҳимояда

Яна бир муҳим йўналишларимиздан бири, бу — тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Бу борада 2-сектор раҳбарлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоялаш, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам қўрсатиш бўйича ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 67 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди. 10 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди. Бунинг натижасида 73 та лойиҳа ишга туширилди. Буларнинг барчаси 400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига туртки берди.

Масалан, Тўрткўл туманидаги 2-сектор ҳудудида фаолият юритаётган “Ақмабек Юнусбек” оилавий корхонаси раҳбари Ю. Уринбоев мебель ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишини ва ўз ишини кенгайтириш мақсадини бизга билдирди. Дарҳол унга амалий ёрдам беришга қирришдиш ва натижада имтиёзли асосда 150 миллион сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Ҳудди шундай, яқка тартибдаги тадбиркор Ж. Рўзиевнинг мурожаатига асосан, нон ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун 36 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашилди.

Бундан ташқари, Бўзатовда иккинчи сектор кўмағи билан “SAYOT ANGOR” МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. Қўзилмиyani қайта ишлашга мўлжалланган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркорга 475 миллион сўм, шунингдек, Кегайлида “Алжанов Турсинмурат” МЧЖга брусчатка ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун 100 миллион сўм кредит берилди. Бу эса қўллаб иш ўринларини яратиш имконини берди.

Фаолиятимиз билан боғлиқ бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Биз бу борадаги ишларни тизимли давом эттириб, камбағалликни қисқартириш, алоҳида дафтарга киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш орқали уларни рўйхатдан чиқариш, иш билан таъминлаш, доимий даромад манбаини яратиш, умуман, халқни рози қилишда эзгу сый-ҳаракатларимизни асло қусайтириб, замона билан ҳамнафас ишлашни олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз.

Фархат АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси.

QISHLOQQURILISHBANK

Банк молиявий кўмағи билан иш ўринлари яратилди

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида қўллаб йирик истиқболли лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда. Бунда фақатгина иқтисодий манфаат эмас, балки мамлакатимиздаги ижтимоий барқарорлик мақсадлари ҳам устуворлик касб этади.

Имконият

Ҳеч кимга сир эмас, аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг муҳим шарти, аввало, фуқаролар бандлигини таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ саноат, чорвачилик, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўллаб лойиҳаларга молиявий маддадор бўлмоқда. Биргина 2021 йил бошидан бунён мазкур мақсадлар учун ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 1 511,1 миллиард сўмини ташкил қилди. Асосийси, ушбу маблағлар ҳисобидан фаолият бошлаган корхоналарда 1,8 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бинобарин, шунча юрtdошимиз доимий иш жойига эга бўлди. Оиладан, яшаш ҳудудидан узоқлашмасдан ишлаш, рўзгор тебратилиш нималиги эса ҳаммамизга яхши маълум.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида ҳам навбатдаги йирик лойиҳага қўл урилди. Яъни “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ



молиявий кўмағида “Khilal TEX” корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Корхонанинг тантанали очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Зоир Мирзаев иштирок этди. Тадбирда лойиҳанинг минтақа иқтисодий салоҳиятини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги амалий аҳамиятига эътибор қаратилди.

— Айни пайтда давлат ва жамият ҳаётига ўз гоғларни билан таъсир қилиш, ривожланишга муносиб ҳисса қўшишга қаратилган ҳар қандай ташаббус эътиборсиз қолмайди, — дейди “Khilal TEX” корхонаси директори Комилжон Набиев. — Бунинг исботига, мана, гувоҳ бўлиб турибмиз. Лойиҳаимизнинг умумий қиймати 172,8 миллиард сўм. Корхона йилига 4 минг 550 тонна қалава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса воҳада етиштирилаётган пахта ҳосилининг салмоқли қисмини шу ёрнинг ўзида қайта ишлашда қўл келмоқда. Ишлаб чиқариш учун замонавий ускуналар Германия давлатидан келтирилган.

Лойиҳани ишга туширишда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг иштирокини алоҳида эътибор этиш жоиз. Зотан, банк тарафидан 121,3 миллиард сўм кредит ажратилгани бунда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янада эътиборлиси, ажратилган кредит маблағлари маҳаллий аҳоли учун муҳим масала — иш ўринлари яратишга хизмат қилди. Янги корхонада 350 та иш ўрни яратилди.



— Маҳаллада бундай йирик қувват ишга тушгани барчанга хурсанд қилди, албатта, — дейди корхонанинг пилташ оператори Наргиза Сатторова. — Боиси, аввало, қўллаб ёшлар ишли бўлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айнади бизнинг меҳнатимиз билан тайёр ҳолга келди. Демак, ўз касбимизга меҳр қўйсак, корхонамиз янада ривожлansa, миқозлар ишончи ортса, ишлаб чиқариш қуввати ҳам кенгайди. Натижада яна янги иш ўринлари яратилади. Бу эса қўллаб оилалар учун даромад манбаи демакдир. Асосийси, биз ўз меҳнатимиз билан юртимиз ривожига ҳисса қўшамиз. Ана шу қатъий ишонч ва кўтаринки қайфиятда иш бошладик. Бу ерда иш ҳамда дам олиш учун барча зарур шароит мавжуд.

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни фаол давом эттиради.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 989 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида террида ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,